# Етказиб бериш шартномаси № 45

**Бухоро шахри** **24 Январь 2022 г.**

ООО "GOLD STAR PHARM" (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Kurambayeva F.R., (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Ўзгара ТТБ (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Харидор" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Н. А. Самсова (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Харидорга мулк килиб топшириш, Харидор эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Махсулот) номи | Ўл-чов бир-лиги | Мик-дори | Нархи | Етказиб бериш киймати | ККС | | Етказиб беришнинг ККСни хисобга олган холда киймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставка % | Сумма | |
| 1 | Рентгеновская плёнка CP-BU M 30х40см (100шт в пачке) | пачка | 2 | 1 148 804.00 | 2 297 608.00 | Без | НДС | |
| | Жами: | | | | 2 297 608.00 | Без | НДС | |

1.2 Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати: "31 декабрь" 2022 йилгача 2297608 сўмни ташкил этади.

2.2 Етказиб бериладиган товар (махсулот) учун олдиндан тулов мигдори 689 282.40 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил килади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг микдори эса 1 608 325.60 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов хисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдикловчи хужжат) такдим килингандан сўнг 2022 йил "15" 02 гача амалга оширилади.

2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджет маблаглари хисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кура, 30 фоиз микдорида олдиндан хак тўлаш назарда тутилган.

2.4 Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.1.1 Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган холатда Харидорга ўз вактида топшириш.

3.1.2 Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3 Етказиб берувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2 -бандига мувофик сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини кайтариб беради.

3.1.4 Транспорт харажатларини ўз хисобидан тўлайди.

3.1.5 Етказиб берувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини такдим этади.

3.2 Харидорнинг мажбуриятлари

3.2.1 Кабул килиш далолатномасини расмийлаштирган холда ушбу шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни микдори, сифати ва бутланиши бўйича кабул килиб олади.

3.2.2 Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аникланган такдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хакида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида етказиб берувчини хабардор килади.

3.2.3 Шартномада белгиланган микдорда, тартибда ва муддатда товар хакини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА КЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра кўшимча битимни расмийлаштириш йўл билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина хакконийдир.

4.2 Томонларнинг шартнома шартларига киритган кўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва куйидаги микдорда неустойка тўлайди:

5.2 Товарни тўлик топширмаганлик учун Етказиб берувчи хар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0.5 % микдорида пеня тўлайди.

5.3 Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 5% микдорида жарима тўлайди.

5.4 Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган такдирда Етказиб берувчи товар кийматининг 10% микдорида жарима тўлайди.5.5. Товар хакини ўз вактида ёки тўлик тўламаганлик учун Харидор хар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0.4 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган микдорда ўзининг махсус хисоб ракамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил "______" _________дан 2022 йил "31" декабргача амалда бўлади.

6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3 Шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик.
- Ўз.Р конунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 7. ШАРТНОМАНИНГ КОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121 ва 122-моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблаглари хисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган такдирларида Уз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги конуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар буладилар

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Уз.Р "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хусусий базаси тўгрисида"ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хужалик суди тартибида хал килинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Тошкент туманлараро иктисодий судида хал килинади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**"Етказиб берувчи"**

| | |
|---|---|
| Ижрочининг номи | ООО "GOLD STAR PHARM" |
| Манзили | 100005, г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Эски Сарикул 30/1 |
| Телефон | (97) 414-10-09 (97) 433-22-55 |
| х/р | 20208000100756487001 |
| банк номи | "ДАВР-БАНК" ХАТ БАНКИНИНГ ЮНУСОБОД ФИЛИАЛИ |
| шахар | Ташкент |
| МФО | 01122 |
| СТИР | 304768504 |
| ОКЭД | 46460 |

Рахбар ____________ Kurambayeva F.R.

**"Харидор"**

| | |
|---|---|
| Бюджет маблаглари ни олувчи номи) | Учтепа ТТБ |
| Манзили | Чилонзор 15/47 |
| Телефон | 71 271 - 38 - 43 |
| СТИР | 300156114 |
| ОКЭД | 84120 |
| **Газна х/в** | |
| **Банк номи** | **Марказий банк** |
| **МФО** | **00014** |
| **Газначилик булинмаси СТИРи** | **201122919** |

л/с 100022860262627072201054002

Рахбар ____________ Н. А. Саидова

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GOLD STAR PHARM" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GOLD STAR PHARM" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.03.2017    001032-09    ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 304768504

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Mirobod tumani, Eski Sarikul, 30/1-uy,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

GOLD STAR PHARM
HUJJATLAR UCHUN

my.gov.uz
Единый Портал Интерактивных Государственных Услуг

Серия : №:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**ЛИЦЕНЗИЯ**
**15288 - сонли**

**Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига**

тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ушбу лицензия "GOLD STAR PHARM" масъулияти чекланган жамияти га берилди

Жойлашган манзили (почта манзили): Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Эски Сарикул, 30/1 уй

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):

304768504

Лицензия берилган сана: 03.10.2018г

Амал қилиш муддати: 03.10.2023г

Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами: 13988-18

Ваколатли шахс: Б.К.Юсупалиев

Данный документ является копией электронного документа, сформированного в соответствии с Положением о Едином портале интерактивных государственных услуг, утвержденным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от __ ____ 2017 г. № __. Для проверки достоверности сведений указанных в копии электронного документа, перейдите на веб-сайт edoc.gov.uz и ведите уникальный номер электронного документа, либо просканируйте QR-код с помощью мобильного устройства. Внимание! В соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от __ ____ 2017 г. № __ сведения, содержащиеся в электронных документах, являются легитимными. Государственным органам категорически запрещено отказывать в принятии копий электронных документов, сформированных на Едином портале интерактивных государственных услуг

5917

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: JD5838160524

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

UCHTEPA TUMAN

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

100131, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 26-mavze, 1B-uy.

El.pochta: Uchtepayurmarkaz@adliya.uz.

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН-ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

**1.Лойиҳанинг тури: № 45**-сонли шартнома
**2.Лойиҳанинг номи:** "Маҳсулот етказиб бериш тўғрисида"ги шартнома.

**3.Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:**

Тошкент шаҳар Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритиладиган Низом асосида иш юритувчи номидан Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Н.А.Саидова биринчи томон хисобланади ва иккинчи томон **"GOLD STAR PHARM"** МЧЖ, бундан буён "Товар етказиб берувчи сотувчи" деб номланувчи, Низомга асосланиб фаолият юритувчи Корхона рахбари Ф.Р.Курамбаева томонидан тузилган шартнома.

**4.Шартноманинг умумий қиймати:** 2 297 608.0 (икки миллион икки юз тўқсон етти минг олти юз саккиз сўм) 00 тийин ҚҚС сиз сўмни ташкил этади.

Мазкур шартнома имзоланган кундан Буюртмачи етказиб берувчига шартнома кийматининг 30% микдори; аванс пули ўтказади, ушбу киймат: 689 282.4 (олти юз саксон тўққиз минг икки юз саксон икки сўм) 40-тийинни ташкил этади.

Ушбу шартнома лойиҳаси қонун талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни тузиш мақсадга мувофиқ деб хисоблайман.

**5. Шартномани тузишга асос:** *Фуқаролик кодексининг 6, 353-363, 364-366, 437-438-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддаси.*

**Учтепа туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи** **Ш.Эшимов**

# МАЖЛИС БАЁНИ № 6

24.01.2022- й поликлиника қошида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини тақсимлашда махсус ишчи комиссияси йиғилиши бўлди

05.01.2022 й буйруқ №1 га асосан комиссия аъзолари:

Хайъат раиси: Таджиева З.Р. –бош шифокор

Хайъат аъзолари Шотурсунов Ш.Ш. –ортопедия бўлим бошлиғи
Мавлянбекова Ш.К. – хужалик булими шифокори
Ахмедов Д.З - касаба уюшмаси раиси
Жабборова Н.А-бош хамшира
Қодиров Ф.М-болалар бўлим бошлиғи
Искандарова Н.С.-болалар бўлими шифокори

**Кун тартиби:**

- Поликлиниканинг иш фаолиятида зарур бўлган шартномаларни тузиш

**Қатнашдилар:** Комиссия аъзолари

Мажлисда бош хамшира Жабборова Н.А сўзга чиқиб, поликлиника иш фаолияти учун зарур бўлган 300 кг 33% перекис водородга эҳтиёжи борлиги ҳақида гапириб ўтди. Жабборова Н.А. 300 кг 33% перекис водородни 1кг-15 500 сўмга хўжалик хисобидан марказий зарарсизлантириш бўлими учун харид қилиш таклифини берди. Комиссия аъзолари бир овоздан “HEALTH PHARM PHARMACY” МЧЖ корхонаси билан 4 650 000 сўмга **хўжалик маблағлари ҳисобидан** 300 кг 33% перекис водородни марказий зарарсизлантириш бўлимига харид қилиш учун шартнома тузишга қарор қилишди.

Иккинчи масалалар юзасидан бош хамшира Н.А.Жабборова сўзга чиқиб, поликлиника иш фаолияти учун зарур бўлган поликлиниканинг, болалар даволаш бўлими рентген хонаси учун рентген плёнка CP-BU M 30х40см (қадоқда 100 дона) кераклиги хақида айтиб ўтди. Н.А.Жабборова рентген плёнка CP-BU M 30х40см (қадоқда 100 дона) га эхтиёжи-2 қадоқ бўлиб, 1 қадоқнинг нархи-1 148 804,00 сўмдан тўғри келиши хамда ООО "GOLD STAR PHARM" корхонаси билан шартнома тузиш таклифини берди. Комиссия аъзолари бир овоздан ООО "GOLD STAR PHARM" корхонаси билан **бюджет маблағлари хисобидан** 2 297 608,00 сўмга рентген плёнка CP-BU M 30х40см (қадоқда 100 дона)-2 қадоқ сотиб олиш учун шартнома тузишга қарор қилишди.

**Комиссия аъзолари қарор қилади:**

**1.** "HEALTH PHARM PHARMACY" МЧЖ корхонаси билан 4 650 000 сўмга **хўжалик маблағлари ҳисобидан** 300 кг 33% перекис водородни марказий зарарсизлантириш бўлимига харид қилиш учун шартнома тузиш.

**2.** ООО "GOLD STAR PHARM" корхонаси билан **бюджет маблағлари хисобидан** 2 297 608,00 сўмга рентген плёнка CP-BU M 30x40см (кадокда 100 дона)-2 қадоқ сотиб олиш учун шартнома тузиш.

Хайъат раиси: Таджиева З.Р. –бош шифокор

Хайъат аъзолари Шотурсунов Ш.Ш. –ортопедия бўлим бошлиғи

Мавлянбекова Ш.К. – хужалик булими шифокори

Ахмедов Д.З - касаба уюшмаси раиси

Жабборова Н.А-бош хамшира

Қодиров Ф.М-болалар бўлим бошлиғи

Искандарова Н.С.-болалар бўлими шифокори